O‘z DSt 1214:2009

# Ў З Б Е К И С Т О Н  Д А В Л А Т  С Т А Н Д А Р Т И

**Ахборот, кутубхоначилик ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими.**
**Ахборот-кутубхона фаолияти, библиография.**
**Атамалар ва таърифлар**

*Расмий нашр*

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги

Тошкент

## Сўз боши

1 Кутубхоначилик ва нашриётчилик иши соҳасида меъёрий ҳуқуқий актлар ишлаб чиқишни ташкиллаштирувчи махсус ишчи гуруҳ томонидан ЯРАТИЛГАН ВА ТАҚДИМ ЭТИЛГАН

2 Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг (“Ўзстандарт” агентлиги) 2009 йил 14 апрелдаги 05-143-сон Қарори билан ТАСДИҚЛАНГАН ВА ЖОРИЙ ҚИЛИНГАН

3 Ушбу стандарт ГОСТ 7.0-1999 «Система стандартов по информации, библиотечному и издательскому делу» стандартига мос тушади.

4 Мазкур стандарт жорий қилиниши билан Ўзбекистон ҳудудида ГОСТ 7.0-1999 амал қилинишини тўхтатади

*Мазкур стандартни Ўзбекистон худудида амалда жорий қилиш (амал қилишини тўхтатиш) ва унга киритилган ўзгартишлар ҳақидаги ахборот “Ўзстандарт” агентлиги томонидан нашр қилинадиган кўрсаткичларда эълон қилинади.*

*Ушбу стандарт қайта кўрилганда ёки бекор қилинганда у ҳақдаги ахборот “Ўзстандарт” агентлиги томонидан нашр қилинадиган ахборот кўрсаткичларда эълон қилинади.*

Мазкур стандартни Ўзбекистон худудида расмий нашр қилиш ҳуқуқи “Ўзстандарт” агентлигига тегишли

## Мундарижа


| | | | |
|---|---|---|---|
| | Кириш ............................................................................................ | | |
| 1 | Қўлланиш соҳаси .............................................................................. | | 1 |
| 2 | Меъёрий йўналтиришлар .................................................................. | | 1 |
| 3 | Атамалар ва таърифлар ..................................................................... | | 2 |
| | 3.1 | Асосий тушунчалар ................................................................ | 2 |
| | 3.2 | Ахборот технологиялари........................................................ | 9 |
| | 3.2.1 | Умумий атамалар ................................................................... | 9 |
| | 3.2.2 | Ахборот хизмати ................................................................... | 11 |
| | 3.3 | Ахборот ресурслари. Ахборот қидирув системалари ............ | 16 |
| | 3.3.1 | Умумий атамалар ................................................................... | 16 |
| | 3.3.2 | Библиографик маҳсулот ........................................................ | 18 |
| | 3.4 | Ахборот ресурслари ва тизимларини ташкил қилиш ............ | 35 |
| | 3.4.1 | Умумий атамалар ................................................................... | 35 |
| | 3.4.2 | Ахборот-кутубхона маркази. Ахборот-ресурс маркази. Кутубхоналар .................................................................................. | 37 |
| | Ўзбек тилидаги атамаларнинг алифбо кўрсаткичи .......................... | | 42 |
| | Рус тилидаги атамаларнинг алифбо кўрсаткичи .............................. | | 51 |
| | Инглиз тилидаги атамаларнинг алифбо кўрсаткичи ........................ | | 60 |
| | Француз тилидаги атамаларнинг алифбо кўрсаткичи ..................... | | 69 |
| | Илова А. (маълумотнома Ахборот-кутубхачилик ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими (АКНСТ) билан ўзаро боғланган стандартлардаги атамалар ва таърифлар) ......... | | 78 |

## Кириш

Стандартдаги атамалар мазкур билимлар соҳасидаги тушунчаларни акс эттирадиган системали тартибда жойлаштирилган.

Ҳар бир тушунча учун битта стандартлаштирилган атама ўрнатилган.

Ушбу терминлар алифбо кўрсаткичда алоҳида, бандлар рақами кўрсатилган ҳолда келтирилган.

Ахборот-кутубхоначилик ишининг ривожланиши, янги ахборот технологияларининг пайдо бўлиши муносабати билан давлатлараро стандарт матнига * билан белгиланган атамалар қўшилган.

Зарур ҳолатларда, стандартда келтирилган таърифларни атамалар ясамаларини киритиш орқали ўзгартириш, фойдаланиладиган атамалар аҳамиятини ёритиш мумкин, стандарт бўйича аниқланган тушунчалар объектларининг ҳажм ва мазмунини кўрсатган ҳолда

Стандартда халкаро стандартлар ва луғатларга мувофиқ келтирилган стандартлашган атамаларнинг инглиз(en), француз(fr) тилларидаги эквивалентлари маълумот сифатида келтирилган

Стандартлашган терминлар ярим қуюқ шрифт билан терилган, аббревиатура ёки қисқартирилган шакллари – оқиш шрифт билан терилади.

**Ў З Б Е К И С Т О Н Д А В Л А Т С Т А Н Д А Р Т И**

**Ахборот, кутубхоначилик ва нашриётчилик иши стандартлари тизими**
**АХБОРОТ-КУТУБХОНА ФАОЛИЯТИ, БИБЛИОГРАФИЯ**
**Атамалар ва таърифлар***

**Система стандартов по информации, библиотечному и издательскому делу**
**ИНФОРМАЦИОННО-БИБЛИОТЕЧНАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ, БИБЛИОГРАФИЯ**
**Термины и определения**

System of standards on information, librarianship and publishing.
Information and librarian activity, bibliography.
Terms and definitions

Жорий этиш санаси 2009-04-20

## 1 Қўлланиш соҳаси

Ушбу стандарт ахборот фаолияти, кутубхоначилик иши ва библиография соҳаларидаги атамалар ва таърифларни белгилайди

Ушбу стандартда белгиланган атамалар ахборот, кутубхона ва библиография фаолиятининг барча турдаги іужжатлари ва адабиётларда кўрсатилган мазмунда қўлланилади

Ахборот фондларини комплектлаш, каталоглаштириш, индекслаш, ахборотни қидириш ва тарқатиш соіаларидаги атамалар ушбу стандарт ва ГОСТ 7.73, ГОСТ 7.74, ГОСТ 7.76 билан биргаликда белгиланади.

Автоматлаштирилган ахборот ва кутубхона системаларида маълумотларни ташкил этишга тегишли атамалар ГОСТ 20886 га кўра берилган.

## 2 Меъёрий йўналтиришлар

Мазкур стандартда қуйидаги стандартларга йўналтиришлар фойдаланилган.

ГОСТ 7.73-96 Ахборот, кутубхоначилик ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Ахборот қидириш ва тарқатиш. Атамалар ва таърифлар

---

* **1-сон ўзгартиш билан (амал қилиш муддатини олиб ташлаш тўғрисида), «Ўзстандарт» агентлигининг 2013 йил 26 ноябрдаги 05-501-сон қарори билан тасдиқланган**

ГОСТ 7.74-96 Ахборот, кутубхоначилик ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Ахборот қидирув тиллари. Атамалар ва таърифлар

ГОСТ 7.76-96 Ахборот, кутубхоначилик ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Ҳужжатлар фондини комплектлаш. Библиографиялаштириш. Каталоглаштириш. Атамалар ва таърифлар

ГОСТ 20886-85 Маълумотларга ишлов бериш системаларида маълумотларни ташкил қилиш. Атамалар ва таърифлар

Изоҳ - Ушбу стандартдан фойдаланишда йўналтирувчи стандартларни (классификаторларни) Ўзбекистон ҳудудида амал қилишини жорий йилнинг 1 январигача тузилган стандартлар (классификаторлар) кўрсаткичи ва жорий йилда нашр қилинган ахборот кўрсаткичлари асосида текшириб бориш мақсадга мувофиқ бўлади. Агар йўналтирувчи ҳужжат алмаштирилган (ўзгартирилган) бўлса, унда ушбу ҳужжатдан фойдаланишда алмаштирилган (ўзгартирилган) ҳужжатга таяниш керак бўлади. Агарда йўналтирувчи ҳужжат ҳеч қандай алмаштиришларсиз бекор қилинган бўлса, унда унга йўналтириш берилган қоиданинг йўналтиришга тегишли бўлмаган қисми қўлланилади.

## 3 Атамалар ва таърифлар

### 3.1 Асосий тушунчалар

3.1.1 **белги: К**оммуникация жараёнида бошқа предметнинг вакили, хоссаси ёки муносабати сифатида қатнашадиган ва ахборотни узатиш, қайта ишлов бериш ва сақлашда ишлатиладиган моддий предмет (ҳодиса, ҳаракат, воқеа)

ru знак
en Sign
fr Signe

3.1.2 **аломат**: Объектнинг бошқа объектлардан фарқловчи ёки умумийлигини кўрсатувчи хоссаси

ru признак
en Attribute
fr Le signe

3.1.3 **символ:** Белгиларни ифодалаш учун фойдаланиладиган моддий предметларнинг келишилган жамламаси элементи

ru символ
en Symbol
fr Symbole

3.1.4 қ**иймат:** Коммуникация жараёнида белгига берилган ахборот

ru значение
en Meaning
fr Signification

3.1.5 **тушунча:** Предметлар ва ҳодисаларнинг муҳим хоссаларини, алоқалари ва муносабатларини акс эттирувчи фикрлаш шакли

ru понятие
en Concept
fr Notion

3.1.6 **тил:** Коммуникацияни таъминловчи, белгилар жамламаси (луғат) ва улардан фойдаланиш **қ**оидалари ҳамда интерпретацияси (грамматикаси)ни ўз ичига олувчи белгилар тизими

ru язык
en Language
fr Langue

| | |
|---|---|
| 3.1.7 **табиий тил:** Ҳар доим ҳам расман белгиланмаган, аммо луғати ва грамматик қоидалари амалиётда ишлатиладиган тил | ru естественный язык<br>en Natural language<br>fr Langue naturelle |
| 3.1.8 **сунъий тил:** Махсус яратилган ва келишилган тамойиллар асосида тартибга солинадиган тил | ru искусственный язык<br>en Artificial language<br>fr Langue artificielle |
| 3.1.9 **атама:** Бирор бир билимлар соҳасидаги маълум бир тушунчани аниқ ифодаси бўлган сўз ёки сўз бирикмаси | ru термин<br>en Term<br>fr Terme |
| 3.1.10 **ном:** Бирор бир мавжудод, предмет ёки туркумни идентификациялаш мақсадида фойдаланиладиган сўз ёки сўз бирикмаси | ru наименование<br>en Name<br>fr Nom |
| 3.1.11 **атамалар тизими:** Маълум бир билимлар соҳасининг махсус тилда яратилган атамаларининг ташкиллаштирилган мажмуи | ru терминосистема<br>en System of terminology<br>fr Systиme de terminologie |
| 3.1.12 **номенклатура:** Маълум бир билимлар соҳасида фойдаланиладиган номларнинг ташкиллаштирилган мажмуи | ru номенклатура<br>en Nomenclature<br>fr Nomenclature |
| 3.1.13 **синонимия**: Шакли бўйича турли хилда, аммо қийматига кўра бир хил ё яқин бўлган икки ёки бир қанча белгилар хоссаси | ru синонимия<br>en Synonymy<br>fr Synonymie |
| 3.1.14 **квазисинонимия**: Алоҳида мақсадлар учун икки ёки бир неча турли хилдаги белгиларни синоним сифатида қараш мумкин бўлган хоссаси | ru квази-синонимия<br>en Quasi-synonymy<br>fr Quasi-synonymie |

| | |
|---|---|
| 3.1.15 **полисемия**: Бир белгининг бир-бири билан қандайдир даражада боғлиқ бўлган турлича интерпретацияларга эгалиги | ru полисемия<br>en Polysemy<br>fr Polysimie |
| 3.1.16 **омонимия**: Бир хил моддий шаклда бўлиб, мустақил қийматларга эга икки ва ундан ортиқ белгилар хоссаси | ru омонимия<br>en Homonymy<br>fr Homonymie |
| 3.1.17 **омография**: Бир хил график шаклда бўлиб, турли қийматларга эга бир ёки бир қанча белгилар хоссаси | ru омография<br>en Homography<br>fr Homographie |
| 3.1.18 **омофония**: Бир хил фонетик шакда бўлиб, турли қийматларга эга бир ёки бир қанча белгилар хоссаси | ru омофония<br>en Homophony<br>fr Homophonie |
| 3.1.19 **ахборот:** Коммуникация жараёнида инсон ва (ёки) махсус қурилма томонидан моддий ва маънавий оламдаги фактларнинг акси сифатида қабул қилинадиган маълумотлар | ru информация<br>en Information<br>fr Information |
| 3.1.20 **коммуникация:** Икки ва ундан ортиқ шахслар ва (ёки) системалар орасида бошқариладиган ахборот узатуви | ru коммуникация<br>en Communication<br>fr Communication |
| 3.1.21 **коммуникация назарияси:** Коммуникация методлари ва системаларини ўрганувчи илмий фан | ru теория коммуникации<br>en Communication theory<br>fr Thйorie de communication |
| 3.1.22 **коммуникация системаси:** Ахборотни узатиш жараёнларини бошқаришга мўлжалланган система | ru система коммуникации<br>en System of communication<br>fr Systиme de communication |
| 3.1.23 **хабар:** Коммуникация жараёнида узатилган ва (ёки) қабул қилинган ахборот | ru сообщение<br>en Message<br>fr Message |
| 3.1.24 **илмий ахборот: И**лмий билиш жараёнида олинадиган, табиат, жамият ва тафаккур қонунлари ва ҳодисаларини акс эттирувчи  мантиқий ташкил қилинган ахборот | ru научная информация<br>en Scientific information<br>fr Information scientifique |

| | |
|---|---|
| 3.1.25 **илмий-техникавий ахборот; ИТА:** Фан ва (ёки) техника соҳасида олинадиган ва (ёки) фойдаланиладиган ахборот | ru научно-техническая информация (НТИ)<br>en Science and technical information (STI)<br>fr Information scientifique et technique |
| 3.1.26 **ахборотлаштириш:** Ахборот ресурсларига оператив кириб боришни таъминлайдиган тадбирлар комплекси | ru информатизация<br>en Informatization<br>fr Informatisation |
| 3.1.**27 ҳужжатдаги ахборот:** ҳужжатларда мавжуд бўлган ахборот | ru документная информация<br>en Documentation information<br>fr Information documentaire |
| 3.1.28 **иккиламчи ҳужжат:** Бир ёки бир қанча бирламчи ҳужжатларга аналитик-синтетик ишлов бериш натижасида ҳосил бўлган ҳужжат | ru вторичный документ<br>en Secondary document<br>fr Document secondaire |
| 3.1.29 **ахборот таҳлили:** Маълум бир предмет соҳасига тегишли ахборотларни ҳужжатларда аниқлаш ва ахборот маълумотлари кўринишида белгилаш | ru информационный анализ<br>en Information analysis<br>fr Analyse d’information |
| 3.1.30 **ахборот системаси:** Ахборотларни сақлаш, ишлов бериш, қидириш, тарқатиш, узатиш ва тақдим этишга мўлжалланган система | ru информационная система<br>en Information system<br>fr Systime d'information |

| | |
|---|---|
| 3.1.31 **ахборот системаси фойдаланувчиси:** Ахборотни олиш ёки бошқа масалаларни ечиш учун ахборот системаси хизматларидан фойдаланувчи шахс (шахслар гуруҳи, ташкилот) | ru пользователь информационной системы<br>en Information system user<br>fr Utilisateur du systиme d’information |
| 3.1.32 **илмий-ахборот фаолияти; ИАФ:** Илмий-техникавий ахборотга бўлган эҳтиежни қондириш бўйича фаолият сохаси | ru научно-информационная деятельность<br>en Science information activity<br>fr Activitи scientifique et information |
| 3.1.33 **нашр:** Оммавий фойдаланишга мўлжалланган ҳужжат | ru публикация<br>en Publication<br>fr Publication |
| 3.1.34 **ахборот инфратузилмаси:** Истемолчиларни ахборот ресурсларига киришини таъминловчи ахборот марказлари, маълумотлар ва билимлар банки, алоқа тизимлари мажмуаси | ru информационная инфраструктура<br>en Information infrastructure<br>fr Infrastructure d’information |
| 3.1.35 **библиография:** Библиографик ахборотларни тайёрлаш, тарқатиш ва фойдаланишни таъминловчи ахборот инфратузилма | ru библиография<br>en Bibliography<br>fr Bibliographie |
| 3.1.36 **библиографик ахборот:** Ҳужжатларни идентификацияси ва фойдаланилиши учун зарур бўлган ахборот | ru библиографическая информация<br>en Bibliographic information<br>fr Information bibliographique |

| | |
|---|---|
| 3.1.37 **библиографик фаолият:** Библиографик ахборотга бўлган эҳтиёжни қондиришга қаратилган фаолият соҳаси | ru библиографическая деятельность<br>en Bibliographic activities<br>fr Activité bibliographique |
| 3.1.38 **библиографияшунослик:** Библиографиянинг назарияси, тарихи, методологияси, технологияси, методикаси ва ташкил қилишни ўрганувчи илмий фан | ru библиографоведение<br>en Science of bibliography<br>fr Science de bibliographie |
| 3.1.39 **кутубхона:** Ҳужжатлардан ташкил топган фондга эга бўлган ва уларни абонентларга вақтинчалик фойдаланишга берадиган ҳамда бошқа турдаги кутубхона ҳизматларини амалга оширадиган ахборот, маданий, таълимий муассаса. | ru библиотека<br>en Library<br>fr Bibliothique |
| 3.1.40 **кутубхоначилик иши:** Кутубхона хизматини ташкил қилиш бўйича фаолият соҳаси | ru библиотечное дело<br>en Librarianship<br>fr Bibliothйconomie |
| 3.1.41 **кутубхонашунослик:** Кутубхоначилик иши назарияси, тарихи, методологияси, технологияси, методикаси ва ташкил этилишини ўрганувчи илмий фан | ru библиотековедение<br>en Library science<br>fr Bibliothйconomie |
| **3.1.42* ахборот-кутубхона фаолияти:** ахборот-кутубхона, ахборот-ресурс марказлари ва кутубхоналарнинг тармоғи, ахборот-кутубхона фондлари, фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш, кадрлар тайёрлаш, илмий тадқиқот ва методик таъминотини ташкил қилувчи фаолият соҳаси. | ru информационно-библиотечная деятельность |

| | |
|---|---|
| | en Information and library activity<br>fr L’activitй d’information et de bibliothique |
| 3.1.43* **ахборот-кутубхона маркази:** турли ахборот ташувчилардаги ҳужжатлардан ташкил топган фондга эга бўлган, ўз электрон ахборот ресурсларини яратадиган ва уларни абонентларга вақтинчалик фойдаланишга берадиган, ўз ҳудудида илмий-методик фаолиятни амалга оширадиган ҳамда бошқа турдаги ахборот-кутубхона ҳизматларини кўрсатадиган ахборот, маданий, таълимий муассаса. | Ru информационно-библиотечный центр<br>en The information library center<br>fr Le centre Informatsionno-de bibliothique |
| **3.1.44* ОЎМТВ ахборот-ресурс маркази:** турли ахборот ташувчилардаги ҳужжатлардан ташкил топган фондга эга бўлган, ўз электрон ахборот ресурсларини яратадиган ва уларни профессор-ўқитувчилар, талабалар ва аҳолига вақтинчалик фойдаланишга берадиган, ўз тармоғида илмий-методик фаолиятни амалга оширадиган ҳамда бошқа турдаги ахборот-кутубхона ҳизматларини кўрсатадиган ахборот, маданий, таълимий муассаса. | Ru информационно-ресурсный центр<br>en The information resource center<br>fr Le centre d’information de ressource |
| **3.1.45* ХТВ ахборот-ресурс маркази:** турли ахборот ташувчилардаги ҳужжатлардан ташкил топган фондга эга бўлган, уларни таълим жараёни қатнашчилари ва аҳолига вақтинчалик фойдаланишга берадиган, ҳамда бошқа турдаги ахборот-кутубхона ҳизматларини кўрсатадиган ахборот, маданий, таълимий муассаса | ru информационно-ресурсный центр<br>en The information resource center<br>fr Le centre d’information de ressource |
| **3.1.46* ҳужжат:** жамият томонидан фойдаланиш ва сақлаш мақсадида замон ва маконда узатишга мўлжалланган матн, товушли ёзув ёки тасвир кўринишидаги ахборот акс этган моддий объект | ru документ<br>en The document<br>fr Le document |
| **3.1.47* электрон ҳужжат:** электрон-рақамли шаклдаги мазмунан боғланган ахборот акс этган ва жамиятда фойдаланиш учун мўлжалланган машина ўқий оладиган ташувчилардаги ҳужжат | ru электронный документ<br>en The electronic document<br>fr Le document |

| | |
|---|---|
| | йlectronique |
| **3.1.48* электрон кутубхона:** умумий ва локал фойдаланиш учун мўлжалланган, дастурий технологик воситалар комплекси ёрдамида электрон ҳужжатлардан иборат тартиблаштирилган фондни яратиш, фойдаланиш ва сақлашни қўллаб қувватловчи ахборот системаси | ru электронная библиотека<br>en Electronic library<br>fr La bibliothиque йlectronique |

**3.2 Ахборот технологиялари**

*3.2.1 Умумий атамалар*

| | |
|---|---|
| 3.2.1.1 **ахборот технологияси:** Ахборотларни йиғиш, яратиш, сақлаш, жамлаш, ишлов бериш, қидириш, чиқариш, нусха олиш, узатиш ва тарқатишни таъминлайдиган, технологик комплексга бирлаштирилган ишлаб чиқариш жараёнлари, методлари ва программа-техник воситалар мажмуи | ru информационная технология<br>en Information technology<br>fr Technologie d'information |
| 3.2.1.2 **маълумотлар:** ишлов берилган ва кейинчалик қайта ишлаш учун формал кўринишда тақдим қилинган ахборот | ru данные<br>en Data<br>fr Donnйes |
| 3.2.1.3 **ахборотга (маълумотларга) ишлов бериш:** ахборотларни истемолчиларнинг фойдаланиши учун қулай маълумотлар шаклида етказиш мақсадида сақлаш, қидириш, таҳлил қилиш, баҳолаш, қайта ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлган жараёнлар мажмуи | ru обработка информации<br>en Information processing<br>fr Traitement des donnйes |
| 3.2.1.4 **ахборот (маълумот) ташувчи:** Ахборотни (маълумотларни) ҳисобга олувчи, сақловчи, ва узатувчи воситалар | ru носитель информации<br>en Information carrier<br>fr Milieu de l'information |
| 3.2.1.5 **ахборотларни кодлаштириш:** Маълумотларни қайта ўзгартириш ва (ёки) ифодалаш жараёни | ru кодирование информации<br>en Information coding<br>fr Codage de l'information |

| | |
|---|---|
| 3.2.1.6 **маълумотларни конвертация қилиш:** маълумотлардаги ахборотни сақлаб қолган ҳолда маълум бир қоидаларга мувофиқ ифодалаш шаклини ўзгартириш | ru конвертирование данных<br>en Data conversion<br>fr Conversion des donnйes |
| 3.2.1.7 **маълумотларни кўчириб ўтказиш:** бир маълумотлар ташувчисидаги ахборотларни жиддий ўзгаришсиз иккинчисига ўтказиш | ru трансформирование данных<br>en Data transformation<br>fr Transformation de donnйes |
| 3.1.1.8 **код:** Ахборотларни шартли белгилар ва уларга қийматлар бериш қоидалари жамламасидан ташкил топган маълумотлар кўринишида тасвирлаш тизими | ru код<br>en Code<br>fr Code |
| 3.2.1.9 **аналитик-синтетик қайта ишлов; АСҚИ:** сўровга мос кўринишда ҳужжатларни таҳлил қилиш ва улардан керакли ахборотларни чиқариб олиш, ҳамда ахборотни баҳолаш, таққослаш, умумлаштириш ва тақдим қилиш жараёнида ўзгартириш | ru аналитико-синтетическая переработка<br>en Analytic and synthetic processing<br>fr Traitement analyticosynthétique |
| 3.2.1.10 **формат:** Маълумотларни ахборот ташувчида жойлаштириш ва ифодалаш усули | ru формат<br>en Format<br>fr Format |
| 3.2.1.11 **идентификация:** Объектларни улар аломатлари мослиги асосида айнан ўхшашлигини ўрнатиш | ru идентификация<br>en Identification<br>fr Identification |

*3.2.2 Ахборот хизмати*

| | |
|---|---|
| 3.2.2.1 **ахборот хизмати:** Ахборот органлари ва хизматлари томонидан ахборот хизмати кўрсатиш орқали фойдаланувчиларни эҳтиёжига биноан зарур ахборотлар билан таъминлаш | ru информационное обслуживание<br>en Information service<br>fr Service d'information |
| 3.2.2.2 **маълумотнома-библиографик хизмат кўрсатиш; МБХК:** Ахборот истеъмолчиларининг талабига биноан маълумотнома бериш ва бошқа библиографик хизмат кўрсатиш | ru справочно-библиографическое обслуживание<br>en Reference and bibliographic service<br>fr Service de référence bibliographique |
| 3.2.2.3 **библиографик хизмат:** Истемолчиларни библиографик ахборот билан таъминлаш | ru библиографическое обслуживание<br>en Bibliographic service<br>fr Service bibliographique |
| 3.2.2.4 **кутубхоначилик хизмати:** Китобхонлар эҳтиёжларини қондириш мақсадида, турли кўринишдаги кутубхона фаолияти мажмуидан иборат кутубхона хизматини кўрсатиш | ru библиотечное обслуживание<br>en Library service<br>fr Service de bibliothique |
| 3.2.2.5 **кутубхонадан ташқарида хизмат кўрсатиш:** Китобхонларга кутубхона хизматини кутубхонадан ташқарида - кутубхона пунктлари, кўчма кутубхоналарда бригада усули ва сиртқи абонемент ердамида, иш жойларига ёки яшаш жойларига яқинлашишини таъминлаган холда хизмат кўрсатиш | ru внестационарное библиотечное обслуживание<br>en Outreach library service |

| | |
|---|---|
| 3.2.2.6 **ахборот бериш:** Манфаатдор фойдаланувчиларни ахборот билан таъминлаш | ru информирование<br>en Information provision<br>fr Provision de l'information |
| 3.2.2.7 **библиографик ахборот билан таъминлаш:** Абонентни узоқ муддатли талабига биноан мунтазам равишда библиографик ахборот билан таъминлаш | ru библиографии-ческое информирова-ние<br>en Provision of bibliographic information<br>fr Provision de l'information bibliographique |
| 3.2.2.8 **якка шахсни ахборот билан таъминлаш:** Шахсни унинг эҳтиежларига мувофиқ ахборот билан таъминлаш | ru индивидуаль-ное информирова-ние<br>en Individual (personal) information<br>fr Provision de l'information personnelle |
| 3.2.2.9 **гурухли ахборот бериш:** Ахборот эҳтиежларини ўхшашлик аломатига кўра бирлашган ахборот истемолчилари гурухини ахборот билан таъминлаш | ru групповое информирова-ние<br>en Group information<br>fr Provision de l'information de groupe |
| 3.2.2.10 **оммавий ахборот билан таъминлаш:** Кенг доирадаги ахборот истеъмолчиларини ижтимоий аҳамиятга молик ахборотлар билан таъминлаш | ru массовое информирова-ние<br>en Mass communication<br>fr Information de masse |

| | |
|---|---|
| 3.2.2.11 **ахборот таъминоти:** Бошқарув ва илмий-техникавий масалаларни босқичма-босқич бажарилишига мувофиқ тақдим қилинадиган ахборот ресурслари ва хизматларининг мажмуи | ru информационное обеспечение<br>en Information provision<br>fr Support d'information |
| 3.2.2.12 **ахборот-библиографик таъминот:** Ахборотларга бўлган узоқ муддатли эҳтиёжни қондирувчи ахборот-библиографик ресурслар ва хизматлар мажмуи | ru информационно-библиографическое обеспечение<br>en Information and bibliographic provision<br>fr Support informationnel et bibliographique |
| 3.2.2.13 **ахборот хизмати:** Истеъмолчининг талабига мувофиқ маълум турдаги ахборотни тақдим қилиш | ru информационная услуга<br>en Information service<br>fr Service d'information |
| 3.2.2.14 **кутубхона хизмати:** Кутубхонадан фойдаланувчининг маълум бир эҳтиёжини қондирувчи кутубхона хизматининг муайян натижаси (ҳужжатларни бериш ва банд қилиш, янги адабиётлар тўғрисида маълумот бериш, кўргазмалар ташкил этиш, маслаҳатлар бериш ва ҳ.к.) | ru библиотечная услуга<br>en Library service<br>fr Service de bibliothique |
| 3.2.2.15 **библиографик хизмат:** Библиографик ахборотга бўлган эҳтиёжларни қондиришга мўлжалланган библиографик хизмат кўрсатиш натижаси | ru библиографическая услуга<br>en Bibliographic service<br>fr Service bibliographique |

| | |
|---|---|
| 3.2.2.16 **библиографик қидирув:** Библиографик маълумотлар асосида бажариладиган ахборот қидируви | ru Библиографи-ческий поиск en Bibliographic search (retrieval) fr Recherche bibliographique |
| 3.2.2.17 **кутубхонадан фойдаланувчининг талаби:** Кутубхонадан фойдаланувчининг кутубхона хизматини кўрсатиш бўйича талаби | ru запрос пользователя библиотеки en Library user’s request fr Demande d’un utilisateur |
| 3.2.2.18 **библиографик сўров:** Библиографик ахборотга бўлган ахборот талаби | ru библиографический запрос en Bibliographic enquiry fr Demande bibliographique |
| 3.2.2.19 **библиографик маълумотнома:** Ҳужжатнинг мавжудлиги ва (ёки) унинг жойлашиш манзилидан иборат (адресли маълумотнома), маълум бир мавзудаги библиографик ахборот мазмуни бўйича (мавзули маълумотнома), библиографик тавсифдаги элементларнинг етишмаслиги ёки нотўғри талқин қилинганлиги тўғрисида (аниқловчи маълумотнома) бир маротабалик сўроқларга жавоб;. | ru библиографическая справка en Bibliographic reference fr Renseignement bibliographique |
| 3.2.2.20 **фактографик маълумотнома:** Фактлар асосидаги маълумотлардан иборат сўроққа жавоб | ru фактографическая справка en Factual reference fr Référence factuelle |

| | |
|---|---|
| 3.2.2.21 **библиографик гуруҳлаштириш:** Библиографик ёзувларни ҳужжатлар белгилари ухшашлиги ва (ёки) фарқига кўра тартиблаштириш | ru библиографическая группировка<br>en Bibliographic grouping<br>fr Groupement bibliographique |
| 3.2.2.22 **ахборот муассасасидан фойдаланувчи:** Ахборот муассасасига мурожаат қилувчи ва (ёки) унинг хизматидан фойдаланувчи ҳар қандай субъект (шахс, шахслар гуруҳи, ташкилот) | ru пользователь информационного учреждения<br>en User of institution information<br>fr Utilisateur de l'institution d'information |
| 3.2.2.23 **кутубхона абоненти:** Кутубхона томонидан доимий фойдаланувчи сифатида рўйхатга олинган жисмоний ёки юридик шахс | ru абонент библиотеки<br>en Borrower<br>fr Abonnй de la bibliothique |
| 3.2.2.24 **кутубхона китобхони:** Белгиланган ҳужжатларда расмий рўйхатдан ўтиш асосида кутубхонадан фойдаланувчи шахс | ru читатель библиотеки<br>en Reader<br>fr Lecteur |
| 3.2.2.25 **кутубхона абонементи:** Маълум бир шартлар асосида ҳужжатларни кутубхонадан ташқарига фойдаланиш учун беришни кўзда тутувчи кутубхона хизматининг бир шакли. | Ru библиотечный абонемент<br>en Loan; lending<br>fr Prкt de bibliothique |

| | |
|---|---|
| 3.2.2.26 **сиртқи кутубхона абонементи:** Кутубхонанинг китобхонларга босма нашрлар ва бошқа ҳужжатларни почта орқали бевосита яшаш жойи ёки иш жойига етказиб бериб, фойдаланиш имкониятини яратиб берувчи абонементи | ru заочный библиотечный абонемент<br>en Loan by correspondence<br>fr Prкt de bibliothique par correspondance |

## 3.3 Ахборот ресурслари Ахборот қидирув тизимлари

*3.3.1 Умумий атамалар*

| | |
|---|---|
| 3.3.1.1 **ахборот ресурслари:** Ишончли ахборотларни самарали олиш учун ташкил қилинган маълумотлар мажмуи | ru информационные ресурсы<br>en Information resources<br>fr Ressources d’information |
| 3.3.1.2 **ҳужжат ресурслари:** ахборот системаларидаги алоҳида ҳужжатлар ва ҳужжатлар массиви мажмуидан иборат ахборот ресурсларининг кўриниши | ru документные ресурсы<br>en Document resources<br>fr Ressources de documents |
| 3.3.1.3 **кутубхона-библиографик ресурслар:** Кутубхоналар ўз функцияларини бажариши учун мавжуд бўлган ахборот, моддий-техникавий ва кадрлар потенциали | ru библиотечно-библиографические ресурсы<br>en Library and bibliographic resources<br>fr Ressources de bibliothique et ressources bibliographiques |

| | |
|---|---|
| 3.3.1.4 **ахборот маҳсулоти:** Ахборот системалари фаолияти (иши)нинг натижаси бўлган ҳужжатлар, ахборот массивлари, маълумотлар базалари ва ахборот хизматлари | ru информационная продукция<br>en Information products<br>fr Produit d'information |
| 3.3.1.5 **библиографик маҳсулот:** Библиографик ахборотдан иборат бўлган ахборот махсулоти | ru библиографическая продукция<br>en Bibliographic products<br>fr Produit bibliographique |
| 3.3.1.6 **библиографик хабар:** Библиографик ахборотдан иборат бўлган матн | ru библиографическое сообщение<br>en Bibliographic message<br>fr Message bibliographique |

*3.3.2 Библиографик махсулот*

| | |
|---|---|
| 3.3.2.1 **библиографик йўналтириш:** Цитата қелтирилаетган, кўриб чиқилаётган ёки тилга олинаетган ҳужжатни идентификасияси ва қидируви учун зарур бўлган библиографик маълумотлар мажмуи | ru библиографическая ссылка<br>en Bibliographic reference<br>fr Référence bibliographique |
| 3.3.2.2 **библиографик қўлланма**: Библиографик ёзувларнинг тартиблаштирилган тўплами | ru библиографическое пособие<br>en Bibliographic tool<br>fr Materiel bibliographique |
| 3.3.2.3 **библиографик қўлланмалар тизими:** Маълум бир муҳим ижтимоий-ахамиятли аломатига (библиографияланаётган нашрларнинг мазмуни, мақсади ва китобхонлик доирасига, худуди, кўриниши ва бошқаларга) кўра бирлаштирилган библиографик қўлланмаларнинг яхлит мажмуи | ru система библиографических пособий<br>en System of bibliographic tools<br>fr Systиme de matériels bibliographiques |
| 3.3.2.4 **библиографик кўрсаткич:** Мураккаб тузилиш ва илмий-маълумот аппаратига эга бўлган катта ҳажмдаги библиографик қўлланма | ru библиографический указатель<br>en Bibliographic index<br>fr Index bibliographique |
| 3.3.2.5 **библиографик рўйхат:** Содда тузилишга эга библиографик қўлланма | ru библиографический список<br>en Bibliographic list<br>fr Liste bibliographique |

| | |
|---|---|
| 3.3.2.6 **библиографик обзор:** Ёзма ёки оғзаки шаклда равон баён этилган библиографик қўлланма | ru библиографический обзор<br>en Bibliographic survey<br>fr Revue bibliographique |
| 3.3.2.7 **библиографик нашр:** Алоҳида ҳужжат кўринишида чиқарилган библиографик қўлланма | ru библиографическое издание<br>en Bibliographic publication<br>fr Publication bibliographique |
| 3.3.2.8 **библиографик картотека:** Карточка шаклида ифодаланган ва маълум бир ҳужжатлар фонди билан қатъий боғланмаган библиографик қўлланма | ru библиографическая картотека<br>en Bibliographic file<br>fr Fichier bibliographique |
| 3.3.2.9 **библиографик каталог:** Кутубхоналар, китоб савдоси муассасалари ҳужжатлар фонди таркиби ва (ёки) мазмунини очиб берувчи библиографик қўлланма | ru библиографический каталог<br>en Bibliographic catalogue<br>fr Cataloque bibliographique |
| 3.3.2.10 **ёрдамчи кўрсаткич:** Ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотларни қўлланманингг асосий матнида берилганидан ўзгача аспектда акс эттирувчи ва тегишли библиографик ёзувларга йўналтирувчи библиографик қўлланманинг маълум бир қисми | ru вспомогательный указатель<br>en Auxiliary index<br>fr Index auxiliaire |
| 3.3.2.11 **давлат библиографик кўрсаткичи:** Мамлакатда нашр қилинаётган ва давлат рўйхатидан ўтган ҳужжатлар хақида ахборот берувчи библиографик кўрсаткич | ru государственный библиографический указатель |

| | |
|---|---|
| | en State bibliography national<br>fr Index bibliographique |
| 3.3.2.12 **махсус библиографик қўлланма:** Аниқ мақсадга (тавсиявий, илмий-кўмакчи, касбий ҳамда ишлаб чиқаришга оид ва бошқалар) ва аниқ | ru специальное библиографическое пособие |
| китобхонлик доирасига эга бўлган библиографик қўлланма | en Special bibliographic tool<br>fr Materiel bibliographique special |
| 3.3.2.13 **илмий-ёрдамчи библиографик қўлланма:** Илмий-тадқиқот фаолиятида ёрдам беришга мўлжалланган библиографик қўлланма | ru научно-вспомогательное библиографическое пособие<br>en Scientific auxiliary bibliographic tool<br>fr Materiel bibliographique scientifique |
| 3.3.2.14 **тавсия библиографик қўлланмаси:** Маълум бир тоифадаги китобхонларга тавсия қилинадиган ҳамда мазмун ва сифат меъзонларига мувофиқ танлаб олинган ҳужжатларни акс эттирувчи библиографик қўлланма | ru рекомендательное библиографическое пособие<br>en Recommendatory bibliographic tool (reading list)<br>fr Matériel bibliographique recommande |
| 3.3.2.15 **касбий-ишлаб чиқариш библиографик қўлланмаси:** Амалий фаолиятнинг турли соҳалари мутахассисларига мўлжалланган махсус библиографик қўлланма | ru профессионально-производствен |

| | |
|---|---|
| | ное библиографическое пособие<br>en Professional and production bibliographic tool<br>fr Materiel bibliographique professionnel |
| 3.3.2.16 **оммабоп библиографик қўлланма:** Кенг китобхонлар оммасининг билимларни эгаллашдаги қизиқишларини қондиришга мўлжалланган библиографик қўлланма | ru популярное библиографическое пособие<br>en Popular bibliographic tool<br>fr Materiel bibliographique pour le public |
| 3.3.2.17 **универсал библиографик қўлланма:** Билимларнинг барча соҳалари бўйича формал мезонлари (типологик, худудий, давлат, хронологик ва бошқалар)га мувофиқ библиографияланаётган ҳужжатларни акс этттирувчи библиографик қўлланма | ru универсальное библиографическое пособие<br>en Universal bibliographic tool<br>fr Materiel bibliographique universel |
| 3.3.2.18 **соҳавий библиографик қўлланма:** маълум бир билимлар соҳаси ва (ёки) амалий фаолият бўйича ҳужжатларни акс эттирувчи библиографик қўлланма | ru отраслевое библиографическое пособие<br>en Branch bibliographic tool<br>fr Materiel bibliographique specialise |
| 3.3.2.19 **мавзули библиографик қўлланма:** маълум бир муаммо, мавзу бўйича ҳужжатларни акс эттирувчи библиографик қўлланма | ru тематическое библиографическое пособие |

| | |
|---|---|
| | en Subject (topical) bibliographic tool<br>fr Materiel bibliographique thematique |
| 3.3.2.20 **мамлакатшунослик библиографик қўлланмаси:** бир ёки бир неча мамлакатлар тўғрисидаги ҳужжатларни акс эттирувчи библиографик қўлланма | ru страноведческое библиографическое пособие<br>en Land lore bibliographic tool<br>fr Materiel bibliographique du pays |
| 3.3.2.21 **ўлкашунослик библиографик қўллланмаси:** мамлакатдаги маълум бир жой (ўлка) тўғрисида ҳужжатларни акс эттирувчи библиографик қўлланма | ru краеведческое библиографическое пособие<br>en Local lore bibliographic tool<br>fr Materiel bibliographique regional |
| 3.3.2.22 **маҳаллий нашрлар кўрсаткичи (рўйхати, обзори):** Мамлакатнинг бирор бир ҳудудида чоп этилган ҳужжатларни акс эттирувчи библиографик кўрсаткич (рўйхат, обзор) | ru указатель местной печати<br>en Index<br>fr Index |
| 3.3.2.23 **регионал библиографик қўлланма:** маълум бир ҳудудда чоп этилган ва (ёки) келиб чиқиши, мазмуни ва шу каби аломатлар (белгилар) ушбу ҳудуд билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни акс эттирувчи библиографик қўлланма | ru региональное библиографическое пособие<br>en Regional bibliographic tool regional<br>fr Materiel bibliographique |

| | |
|---|---|
| 3.3.2.24 **биобиблиографик қўлланма:** Маълум бир шахс ёки шахслар тўғрисидаги биографик маълумотлардан, уларнинг асарлари ҳамда улар ҳақидаги адабиётлар тўғрисидаги библиографик ахборотдан иборат бўлган библиографик қўлланма | ru биобиблиографическое пособие<br>en Biobibliographic tool<br>fr Materiel biobibliographique |
| 3.3.2.25 **шахс библиографик қўлланмаси:** Якка шахсга бағишланган библиографик қўлланма | ru персональное библиографическое пособие<br>en Bibliographic personalia tool (author bibliography)<br>fr Matériel bibliographique personnel |
| 3.3.2.26 **нашриёт библиографик қўлланмаси:** Бир ёки бир неча нашриёт томонидан чоп этилган ёки режалаштирилаётган босма маҳсулотларни акс эттирувчи библиографик қўлланма | ru издательское библиографическое пособие<br>en Publisher’s catalogue<br>fr Matériel bibliographique d’édition |
| 3.3.2.27 **китоб савдоси библиографик қўлланмаси:** Босма маҳсулотларни сотишга кўмаклашиш мақсадида нашр қилинадиган ёки фойдаланиладиган библиографик қўлланма | ru книготорговое библиографическое пособие<br>en Bookseller’s catalogue<br>fr Matériel bibliographique de libraire |

| | |
|---|---|
| 3.3.2.28 **рўйхатга олувчи библиографик қўлланма:** маълум бир формал мезонларга (типологик, хронологик, худудий ва бошқ.) мувофиқ ҳужжатларни имкон борича тўла акс эттирувчи библиографик қўлланма | ru регистрационное библиографическое пособие<br>en Enumerative (registering) bibliographic tool<br>fr Materiel bibliographique d'enregistrement |
| 3.3.2.29 **танлов асосидаги библиографик қўлланма:** қандайдир мезон асосида танлаб олинган ҳужжатларни акс эттирувчи библиографик қўлланма | ru выборочное библиографическое пособие<br>en Selective bibliographic tool<br>fr Materiel bibliographique selectif |
| 3.3.2.30 **жорий библиографик қўлланма:** янги пайдо бўладиган ҳужжатларни ўзининг чиқишларида мунтазам ва тезкор равишда акс эттирадиган даврий библиографик қўлланма | ru текущее библиографическое пособие<br>en Current bibliographic tool<br>fr Materiel bibliographique courant |
| **3.3.2.31 сигнал библиографик қўлланма:** барча ёки кўпчилик ёзувлари библиографик тавсиф билан чекланган жорий библиографик қўлланма | ru сигнальное библиографическое пособие<br>en Current awareness bibliographic tool<br>fr Matériel bibliographique de signal |

| | |
|---|---|
| 3.3.2.32 **ретроспектив библиографик қўлланма:** қандайдир бир тарихий даврга тегишли ҳужжатлар массивини акс эттирувчи библиографик қўлланма | ru ретроспективное библиографическое пособие<br>en Retrospective bibliographic tool<br>fr Materiel bibliographique retrospectif |
| 3.3.2.33 **перспектив библиографик қўлланма:** нашр қилишга мўлжалланган ҳужжатларни акс эттирувчи библиографик қўлланма | ru перспективное библиографическое пособие<br>en Perspective bibliographic tool<br>fr Materiel bibliographique perspectif |
| 3.3.2.34 **куммулятив библиографик қўлланма:** Аввал нашр этилган чиқишлардаги материалларни бирлаштирувчи библиографик қўлланма | ru кумулятивное библиографическое пособие<br>en Cumulative bibliographic tool<br>fr Materiel bibliographique cumulatif |
| 3.3.2.35 **аннотацияли библиографик қўлланма:** Барча ёки кўпчилик библиографик ёзувлари аннотацияга эга бўлган библиографик қўлланма | ru аннотированное библиографическое пособие<br>en Annotated bibliographic tool<br>fr Materiel bibliographique annote |

| | |
|---|---|
| 3.3.2.36 **алифболи библиографик қўлланма:** Библиографик ёзувлари якка ва муаллифлар жамоаси ва (ёки) ҳужжатлар сарлавҳалари алифбо тартибида жойлаштирилган библиографик қўлланма | ru алфавитное библиографическое пособие<br>en Alphabetical bibliographic tool<br>fr Materiel bibliographique d’alphabet |
| 3.3.2.37 **предмет библиографик қўлланмаси:** Алифбо тартибидаги предмет рукнлар остида келтирилган библиографик ёзувлардан иборат библиографик қўлланма | ru предметное библиографическое пособие<br>en Subject bibliographic tool<br>fr Matйriel bibliographique par matiиres |
| 3.3.2.38 **луғат библиографик қўлланмаси:** Муаллифлар фамилиялари, сарлавҳалар ва предмет рукнларининг ягона алифбо тартиби бўйича жойлаштирилган библиографик ёзувлар рўйхати | ru словарное библиографическое пособие<br>en Dictionary bibliographic tool<br>fr Matériel bibliographique de dictionnaire |
| 3.3.2.39 **системали библиографик қўлланма:** Библиографик ёзувлари маълум бир кутубхона-библиографик классификация тизимида жойлаштирилган библиографик қўлланма | ru систематическое библиографическое пособие<br>en Systematic (classified) bibliographic tool<br>fr Matériel bibliographique systématique |
| 3.3.2.40 **хронологик библиографик қўлланма:** қўлланмада акс этган ҳужжатларнинг чиқиш хронологияси ва (ёки) ёзилишига биноан жойлаштирилган библиографик ёзувлардан иборат библиографик қўлланма | ru хронологическое библиографическое пособие |

| | |
|---|---|
| | en Chronological bibliographic tool<br>fr Materiel bibliographique chronologique |
| 3.3.2.41 **халқаро библиографик қўлланма:** ҳамкор мамалакатлар иштирокида халқаро кооперация асосида яратилган библиографик қўлланма | ru международное библиографическое пособие<br>en International bibliographic tool<br>fr Matériel bibliographique international |
| 3.3.2.42 **китоб ичидаги библиографик қўлланма:** Мустақил материал сифатида қандайдир бир нодаврий нашр таркибига киритилган библиографик қўлланма | ru внутрикнижное библиографическое пособие<br>en References<br>fr Matйriel bibliographique a l'intйrieur du livre |
| 3.3.2.43 **журнал ичидаги библиографик қўлланма:** мустақил материал сифатида журналда чоп этилган библиографик қўлланма | ru внутрижурнальное библиографическое пособие<br>en Hidden bibliographic tool in a periodical<br>fr Matйriel bibliographique a l'intйrieur de la revue |

| | |
|---|---|
| 3.3.2.44 **газета ичидаги библиографик қўлланма:** Мустақил материал сифатида газетада чоп этилган библиографик қўлланма | ru внутригазетное библиографическое пособие<br>en Hidden bibliographic tool in a newspaper<br>fr Matйriel bibliograpilique a l’intérieur du journal |
| 3.3.2.45 **китобдаги библиографик қўлланма:** Китобда жойлаштирилган ва қоидага биноан, мавзуга кўра - фойдаланилган, цитаталар келтирилган ва (ёки) тавсиялар берилганлигини акс эттирувчи ҳужжатлардан иборат библиографик қўлланма | ru прикнижное библиографическое пособие<br>en Bibliography at the end of a book<br>fr Matйriel bibliographique auprиs du livre |
| 3.3.2.46 **мақоладаги библиографик қўлланма:** Мақола сўнгида жойлаштирилган ва мавзуга кўра – фойдаланилган, цитаталар келтирилган ва (ёки) тавсиялар берилганлигини акс эттирувчи ҳужжатлардан иборат библиографик қўлланма | ru пристатейное библиографическое пособие<br>en Bibliography at the end of an article<br>fr Matйriel bibliographique auprиs des articles |
| 3.3.2.47 **нашрга библиографик кўрсаткич:** Мазкур нашрда жойлаштирилган асарлар таркиби ва мазмунини очиб берувчи нашрнинг маълумот аппарати қисми | ru библиографический указатель к изданию<br>en Bibliographic index to a publication<br>fr Index bibliographique de l’édition |

| | |
|---|---|
| 3.3.2.48 **маълумот-библиографик аппарат; МБА:** Библиографик қўлланмалардан иборат маълумот-қидирув аппарати | ru справочно-библиографический аппарат<br>en Reference aid<br>fr Appareil bibliographique de référence |
| 3.3.2.49 **кутубхона каталог ва картотекалари тизими:** Режали ташкиллаштирилган, ўзаро боғланган ва бир бирини тўлдирувчи библиографик каталог ва библиографик картотекалар мажмуидан иборат бўлган кутубхонанинг маълумот-библиографик аппаратининг қисми | ru система библиотечных каталогов и картотек<br>en System of library catalogues and files<br>fr Systиme des catalogues et des fichiers de bibliothиque |
| 3.3.2.50* **библиографик маълумотларнинг базаси:** кўп ёқлама (калит сўзларни, майдон белгиланишларини, рукнга оид шифрларни ва ҳ.к. териб) кириш имкониятига эга ҳамда библиографик ахборотларнинг яхлит манбалари тўплами (электрон библиографик қўлланма)дан ташкил топган аннотацияли ва/ёки рефератли нашр қилинган ва қилинмаган матнларнинг тўлиқ тавсифи – библиограммларнинг структуралаштирилган массиви | ru база библиографических данных<br>en Bibliographic database<br>fr La base de donnйes bibliographique |
| 3.3.2.51* **библиографик маълумотларнинг банки:** ЭҲМларда файллар, ахборотларнинг маълумотлар базаси кўринишида сақланадиган библиографик маълумотлар тўплами бўлиб, тармоқ АБТ ва улар ёрдамида амалга ошириладиган ахборот системаларининг таркибий қисми ҳисобланади | ru банк библиографических данных<br>en Bibliographic a databank<br>fr De la banque de donnйes bibliographique |
| 3.3.2.52* **қоғозсиз библиография:** библиографик ахборотларнинг қоғоз жисмли ташувчиларига мурожаат қилмасдан фақатгина электрон муҳитда фаолият кўрсатувчи библиография | ru безбумажная библиография<br>en The paperless |

bibliography
fr La bibliographie sans papier

3.3.2.53* **қоғозсиз технология:** маълумотларни (ахборотларни) қоғоз жисмли ташувчиларга чиқариш кўзда тутилмаган ҳолда ахборот масалаларини ЭҲМларда ечишнинг технологик жараёни

ru безбумажная технология
en Paperless technology
fr La technologie sans papier

3.3.2.54* **библиограмма:** анъанавий муҳитда ҳам, электрон муҳитда ҳам бўлиши мумкин бўлган библиографик ахборот бирлиги (фактограмма, идеограмма ва бошқа тушунчалар каби)

ru библиограмма
en Bibliogramm
fr Bibliogramm

3.3.2.55* **библиографик оператор**: автоматлаштирилган ахборот кутубхона системалари ишини бошқарувчи ва электрон ҳисоблаш системалари аппарат воситалари ҳолатининг жорий назоратига масъул бўлган, шунингдек оператор вазифасини бажарувчи библиограф

ru библиографический оператор
en The bibliographic operator
fr L'opйrateur bibliographique

3.3.2.56* **библиографик маълумотлар базаси (БМБ):** ҳужжатлар, ҳужжат оқимлари ва массивларини кўп ёқлама ифодалайдиган, идентификациялайдиган библиографик бирликлар(библиограмма)дан, қайд этилган матнлар (ҳужжатлар) тўғрисидаги электрон шаклдаги ёзувлардан ташкил топган маълумотлар базаси, электрон библиографик ресурс

ru библиографическая база данных
en Bibliographic database
fr La base de donnйes bibliographique

3.3.2.57***библиографик ёзув (БЁ):** ҳужжатли шаклда қайд этилган библиографик хабар; Ҳужжат ҳақидаги уни индентификациялаш, вазифалари, шакли, таркиби ва мазмунини библиографик қидирув ва билдириш мақсадида очиб беришга, зарур бўлган ҳолларда ҳужжатни интерпретациялаш, мослаштириш

ru библиографическая запись
en Bibliographic record

| | |
|---|---|
| ва баҳолашга, матннинг ахборот талабига мослигини кўрсатишга имкон берувчи маълумотларни ўз ичига олган библиографик ахборот элементи. БЁ таркибига библиографик тавсиф, унинг сарлавҳаси, индекслаш атамалари (классификацияга оид индекслар ва предмет рукнлари), аннотациялар ва /ёки рефератлар, ҳужжатни сақлаш шифрлари, қўшимча библиографик ёзувлар ҳақидаги маълумотлар, ҳужжатга ишлов беришни якунланган вақти, ёрдамчи характердаги маълумотлар ва бошқалар киради | fr L'йcriture bibliographique |
| 3.3.2.58* **коммуникатив форматдаги библиографик ёзув:** бир бутун деб қаралувчи бир ёки бир нечта библиографик бирликларни тасвирловчи маълумотлар майдонини, маълумотномаларни ва ёзув маркерларини ўз ичига олувчи майдонлар мажмуаси | ru библиографическая запись в коммуникативном формате<br>en Bibliographic record in a communicative format<br>fr L'йcriture bibliographique dans le format communicatif |
| 3.3.2.59* **бир муаллифли библиографик ёзув:** биринчи элемент сифатида асарни алоҳида ёки ҳаммуаллифликда яратган шахснинг номи тасвирланган БЁ | ru библиографическая запись под именем индивидуального автора<br>en Bibliographic record under a name of the individual author<br>fr L'йcriture bibliographique sous le nom de l'auteur individuel |

| | |
|---|---|
| 3.3.2.60* **жамоа муаллифлиги остидаги библиографик ёзув:** биринчи элемент сифатида унинг номидан нашр қилинган матн мазмуни учун масъул муассаса номини идентификациялаш учун танланган БЁ | ru библиографическая запись под именем коллективного автора<br>en Bibliographic record under a name of the collective author<br>fr L'йcriture bibliographique sous le nom de l'auteur collectif |
| 3.3.2.61* **библиографик идентификация:** манбаларининг библиографик ахборотлар массивида муайян сўровга мос муваффақиятли қидирувни таъминлайдиган қайд этилган матнни (ҳужжатни) аниқлаш | ru библиографическая идентификация<br>en Bibliographic identification<br>fr L'identification bibliographique |
| 3.3.2.62* **библиографик классификация:** ўзига хос характерли томони – кутубхона профилига боғлиқ ҳолда муқобил тамойилларни кетма-кет қўллашдан иборат бўлган классификацияларнинг иерархик комбинацион тизими | ru библиографическая классификация<br>en Bibliographic classification<br>fr La classification bibliographique |
| 3.3.2.63* **библиографик ишлов бериш:** ҳужжатни идентификациялаш ва уни библиографик қўлланмаларда (каталогларда, рўйхатларда, кўрсаткичларда, маълумотлар базаси ва банкларида ва бошқаларда) тасвирлашни таъминловчи анъанавий ёки электрон-библиографик технологик жараёнлар мажмуаси | ru библиографическая обработка<br>en Bibliographic processing<br>fr Le traitement bibliographique |

| | |
|---|---|
| 3.3.2.64* **библиографик маълумотлар (анъанавий ва электрон библиография):** уни сақлаш, қайта ишлаш ва узатишни таъминлашга имкон берувчи формаллаштирилган (стандартлаштирилган) кўринишда тасвирланган библиографик ахборот | ru библиографические данные<br>en The bibliographic data<br>fr Les donnйes bibliographiques |
| 3.3.2.65* **виртуаль библиография:** локаль ва/ёки глобаль электрон тармоқдаги электрон (рақамли) библиография | ru виртуальная библиография<br>en The virtual bibliography<br>fr La bibliographie virtuelle |
| 3.3.2.66* **виртуаль (электрон, рақамли) кутубхона:** зарурий маълумот қидирув аппарати билан таъминланган ҳамда оммавий фойдаланиш учун очиқ бўлган кутубхонанинг реал фондини акс эттирувчи маълумотларнинг тўла матнли базаси ва банклари мажмауси | ru виртуальная библиотека<br>en Virtual library<br>fr Virtual library |
| 3.3.2.67* **дескриптор:** ахборот қидирув тилининг сўзлар, сўз бирикмалари ёки кодларда ифодаланган лексика бирлиги бўлиб, шартли эквивалент очқич сўзларнинг номлари синфи ҳисобланади | ru дескриптор<br>en Descriptor<br>fr Le descripteur |
| 3.3.2.68* **масофавий ахборот хизмати:** ахборот-кутубхона муассасаларининг фойдаланувчиларга алоқа каналлари орқали кўрсатадиган хизмати | ru дистанционное информационное обслуживание<br>en Remote information service<br>fr Le service de distance d'information |
| 3.3.2.69* **инвентар номери:** ҳужжатни инвентарлаштиришда унга бериладиган, ҳужжатнинг аниқ бетига қўйиладиган, анъанавий ва электрон кўринишли библиографик ёзувларнинг элементи ҳисобланувчи инвентар китобдаги тартибланган номер | ru инвентарный номер<br>en Accession number |

fr Le numйro d'inventaire

3.3.2.70* **авторитет ёзув АЁ: а**сосий мазмуни қайсидир шахснинг ўзига тегишли исм; ташкилот, предмет, мавзу, асар сарлавҳаси номи; каталоглаштириувчи ташкилот, ёзув учун масъул томонидан ўрнатиладиган рукнлар ва/ёки тезаурусларнинг лўғатлари қисмидан иборат стандартлаштирилган машина ўқийдиган ёзув

ru авторитетная запись
en Authoritative record
fr L'йcriture autoritaire

